

БАНК ҲИСОБВАРАҒИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА ОФЕРТАСИ

Шартнома тузилган жой:	Шартнома тузилган сана:
Андижон шаҳар	мазкур оферта Мижоз томонидан қабул қилинган (акцептланган) сана

Чет эл капитали иштирокидаги «Namkorbank» АТБ (бундан буён «Банк» деб юритилади) номидан фаолият кўрсатувчи Бошқарув раиси Хасанов Жасур Ибрагимович бир тарафдан ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 367 – 378 моддалари асосида ушбу Офертани бошқа бирор-бир шарт, истисно ва келишувларсиз қабул қилувчи (акцептловчи) юридик шахс/якка тартибдаги тадбиркор (бундан буён «Мижоз» деб юритилади) иккинчи тарафдан, ҳар бири амалдаги қонунчиликка ва таъсис ҳужжатларига асосан ушбу Офертани тузишда барча ваколатларга эга эканлигини (ёки ҳар бир тарафдан ушбу Офертани имзолаш учун унинг белгиланган тартибдаги ваколатли вакили тақдим этилганлигини) тасдиқлаб, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Тушунчалар.

1.1. Корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси – банк томонидан эмиссия қилинган ва Мижозга карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун миллий валютада нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картаси. Мазкур карта Банк мулки ҳисобланади.

1.2. Корпоратив (ёки тадбиркор) банк картасини сақловчиси – мижоз ёки у ваколат берган шахс (ёки якка тартибдаги тадбиркор). Бунда мижоз банк картаси сақловчиси сифатида фақат у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузган ва унинг ходими бўлган шахсга банк картаси сақловчиси сифатида ваколат бериши мумкин.

1.3. МСКҲ – Мижоз учун банкда очилган махсус сўм карта ҳисобварағи.

1.4. Корхона (ёки ташкилот) – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пластик карта орқали тўловларни қабул қиладиган ҳар қандай юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

1.5. Транзакция – Мижоз томонидан корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси орқали амалга оширилган тўлов.

1.6. ПИН КОД – Мижоз томонидан корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси орқали амалга ошириладиган операцияларни тасдиқлаш учун фойдаланиладиган шахсий идентификацион рақам.

1.7. Қайтариш учун чек – корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси орқали тўлов амалга оширилгандан сўнг Мижоз томонидан тўлов бекор қилинганда, Корхона/ташкилот томонидан тўлов бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабарнома.

1.8. Тўловларни қайтариш – Мижознинг МСКҲ га кирим қилиш учун корхона (ёки ташкилот) томонидан Банк томонидан ўрнатилган шаклда маблағнинг қайтарилиши.

1.9. Терминал – Мижозга корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси орқали тўловларни амалга ошириш, паролни алмаштириш, пластик картадаги пул маблағ тўғрисида маълумот олиш имкониятини берувчи электрон қурилма.

1.10. Масофавий банк хизматлари – “Интернет банкинг”, «Mobile-банкнинг» ва «SMS-Банкинг» тизимидан фойдаланиш хизматлари.

1.11. Электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

2. Шартнома предмети.

2.1. Мазкур шартнома банк томонидан мижознинг аризасига кўра амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ, банк ҳисобварақларини (бундан буён «ҳисобварақ» деб юритилади) очиш, унинг ҳисобварағига келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш, касса хизматларини кўрсатиш, масофавий хизматлар дастурий мажмуалари орқали электрон банк хизматларини кўрсатиш, корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар бўйича Банк томонидан кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди.

2.2. «Интернет банкинг», «Mobile-банкнинг» дастурлари мижозга ўз ҳисобварақларининг ҳолати ва пул айланмаси ҳақида маълумот олиш, электрон тўлов топшириқномаларини ўтказиш, дастур имконияти доирасида банк хизматлари ҳақида маълумотларни олиш имкониятини беради.

2.3. «SMS-Банкинг» дастурий мажмуаси мижозга унинг асосий ва иккиламчи ҳисоб-рақамларининг ҳолати ва пул айланмаси ҳақида маълумот, ҳисобварақдаги ҳар бир пул ҳаракатидан сўнг мижознинг аризада белгиланган телефон рақамига СМС (SMS) кўринишида маълумот тақдим этади. Шунингдек, мижоз ушбу рақам орқали банк иш куни давомида дастур йўриқномасида келтирилган тартибда маълумотларни СМС сўров юбориш орқали ҳам олиши мумкин.

3. Тарафларнинг мажбуриятлари.

3.1. Мижознинг мажбуриятлари:

3.1.1. Банкка ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим этади.

3.1.2. Банкда белгиланган иш вақти, тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибига риоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги меъёрий ҳужжатлари талабларини бажаради.

3.1.3. Мижоз нақд пул тушумларини банкка топшириш тартиби ва муддатини ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун нақд пулларни банк кассасидан олиш муддатини, шунингдек, ўз кассасида кун охирида қолиши мумкин бўлган нақд пул қолдиғига лимитни белгилаш бўйича ҳисобварақ очилгандан кейинги ойдан кечикмасдан, кейинчалик ҳар йилнинг январь ойи мобайнида ҳисоб-китоб маълумотномасини икки нусхада тўлдирган ҳолда банкка тақдим этади.

3.1.4. Ҳисобварақда маблағ мавжуд бўлганда иш ҳақи, пенсия ва нафақалар олишнинг календарь жадвалига мувофиқ пул чекини банкка тақдим этади ва олинган маблағлардан қатъий белгиланган мақсадларда фойдаланади.

3.1.5. Мижоз ҳисобварағига қўйилган талабларни ва тўловларни амалга ошириш учун ўзининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида етарли маблағлар бўлишини таъминлайди.

3.1.6. Кўрсатилган банк хизматлари бўйича тўловларни мазкур шартноманинг 5-бўлимида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади.

3.1.7. Банк талабига кўра қонунчилик асосида банк зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур маълумотларни тақдим этади.

3.1.8. Агар мижознинг ташкилий ҳуқуқий шаклида ўзгариш бўлса, бу ҳақдаги маълумотларни 3 иш куни мобайнида, юридик манзилида ўзгариш бўлганда эса, бу тўғрисидаги маълумотларни 5 иш куни мобайнида банкка тақдим қилади.

- 3.1.9. Белгиланган муддат ичида депонентга ўтказилган иш ҳақи, пенсия, нафақа ва моддий ёрдам пулларини Банк кассасига топширади.
- 3.1.10. Ўз кассасига нақд пулларни кирим қилиш ва сарфлаш тартибига, касса интизомига ҳамда лимитдан ортиқча нақд пулларни банк кассасига топширади.
- 3.1.11. «Масофавий банк хизматлари» дастурлари билан ишлаш учун соз ҳолатдаги вируслардан химояланган ва интернет тармоғига уланган шахсий компьютер ёки мобил телефон аппарати мавжуд бўлиши керак. Агар мижозда мазкур имконият мавжуд бўлмаса, банкнинг фронт офис залларида жойлаштирилган “Интернет банкинг” учун ажратилган махсус компьютер воситаларидан фойдаланади.
- 3.1.12. «Масофавий банк хизматлари» дастурлари билан ишлаш учун масъул шахсни тайинлаш ва унга электрон рақамли имзо калити (I-key) мобайл банкинг дастури урнатилган телефонни сақлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва ишлатиш учун моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома асосида бириктиради.
- 3.1.13. «Масофавий банк хизматлари» дастурлари билан ишлайдиган масъул шахс ўзгарса, электрон рақамли имзо калити (I-key), мобайл банкинг дастури урнатилган телефон ва СМС информер бириктирилган телефон рақами ўзгарса, йўқолиб қолса, ўғирланса ушбу ҳолат бўйича ўша куннинг узида хизмат курсатувчи банкни хабардор қилади.
- 3.1.14. «Масофавий банк хизматлари» дастурларида ишлаш бўйича берилган логин ва паролларни сир сақлайди ва учинчи шахсларга дастурлардан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.
- 3.1.15. «Масофавий банк хизматлари» дастурлари орқали ўтказилган электрон тўлов топшириқномаларнинг тегишли тартибда расмийлаштирилган ва масъул шахслар томонидан имзоланган қоғоз нусхаларини ўзида сақлаб боради.
- 3.1.16. “Масофадан хизмат кўрсатиш тизими” орқали юборилган электрон тўлов топшириқномаларининг расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.
- 3.1.17. Тўловларнинг қонунийлигини текшириш ёки бошқа масалалар бўйича банк талаб қилган барча ҳужжатларни тақдим қилади.
- 3.1.18. Мижоз корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси олиш учун Банкда махсус жорий ҳисобварақ ҳамда сўмдаги махсус карта ҳисобварақларини очиши керак. Махсус жорий ҳисобварақ транзит ҳисобварақ ҳисобланади ва сўмдаги махсус карта ҳисобварақини тўлдириш учун фойдаланилади.
- 3.1.19. Юридик шахс корпоратив банк картасини ўзининг ҳодимига тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиб, унга банк картаси сақловчиси сифатида ваколат бериши мумкин. Якка тартибдаги тадбиркор банк картасининг сақловчиси эмитент банк билан шартнома асосида банк картасидан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади.
- 3.1.20. Корпоратив (ёки тадбиркор) банк картасидан тўлов тизимининг қоидалари асосида ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг корпоратив (ёки тадбиркор) банк карталаридан фойдаланиш бўйича амалдаги йўриқномаларига асосан фойдаланилади.
- 3.1.21. Сўмдаги махсус карта ҳисобварақини тўлдирилиши фақат асосий талаб қилиб олинганча ҳисобварақдан мижознинг тўлов топшириқномасига асосан амалга оширилади, сўмдаги махсус карта ҳисобварақини нақд пулда тўлдирилиш ман этилади.
- 3.1.22. Корпоратив (ёки тадбиркор) банк картасини олган кундан бошлаб бир кун ичида банк картасининг ПИН кодини ўзгартириши керак.
- 3.1.23. Корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси орқали амалга оширилган барча амалиётлар учун жавобгардир.

3.1.24 Корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси йўқотилганда, ўғирланганда ёки яроқсиз ҳолатга келганда, Банкга зудлик билан маълум қилади.

3.1.25 Карта ҳисобварағига хатолик туфайли тушиб қолган маблағларни, шунингдек карта ҳисобварағида техник носозликлар туфайли ортиқча пайдо бўлиб қолган маблағларни банкка қайтаради.

3.2. Банкнинг мажбуриятлари:

3.2.1. Мижознинг топшириғига кўра қонунчиликка мувофиқ ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатади ҳамда қонунчиликда назарда тутилган барча ҳисоб-китоб ва касса амалиётларини амалга оширади. Жумладан:

а) мижознинг аризасига асосан ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмай миллий ҳамда хорижий валютадаги асосий, иккиламчи, махсус, аккредитив ҳисоб рақамлар очади, ёпади, асосий ҳисоб рақамни бошқа банкларга кўчиради;

б) мижоз ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган куннинг ўзида ёки кейинги иш кунидан кечиктирмай мижоз ҳисобварағига киритади;

с) Банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт;

д) мижоз ҳисобварағидан пул маблағларини тегишли тўлов ҳужжатлари ёки мижоздан «Масофавий банк хизматлари» дастурларининг алоқа каналлари орқали олинган электрон тўлов топшириқномаси асосида ўтказиш (тўлаш) тўғрисидаги топшириқномаларини бажаради;

е) мижознинг қарз мажбуриятлари бўйича тўлов талабномалари ва инкассо топшириқномаларини қонунчилик доирасида ижро қилади;

ф) амалдаги қонунчиликка мувофиқ мижоздан нақд пул маблағларини қабул қилади ва беради;

г) Фуқаролик Кодексининг 781-моддасига мувофиқ мижознинг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағининг ўртача ойлик қолдиғига йиллик 0,00 фоиз миқдорида ҳақ тўлайди;

ҳ) бошқа ҳисоб-китоб, касса хизматларини кўрсатади (банк ва мижоз ўртасида алоҳида шартномалар асосида тартибга солинадиган муносабатлар бундан мустасно).

3.2.2. Мижоз ҳисобварағидан фақат унинг топшириғи бўйича ёки унинг розилиги билан маблағларни (акцептсиз тўлов талабномаси ва инкассо топшириқномаси бундан мустасно) ҳисобдан чиқаради.

3.2.3. Мижозга белгиланган жадвалга мувофиқ (дам олиш кунларидан ташқари) муайян муддатда хизмат кўрсатади.

3.2.4. Мижоз топшириғига асосан ҳисоб-китоб амалиётларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва банк карталаридан фойдаланиш юзасидан амалдаги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширади.

3.2.5. Тўлов ҳужжатларини ижро учун қабул қилишда амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб асосида расмийлаштирилишини талаб қилган ҳолда, тўлов ҳужжати банкка келиб тушган иш куни (агар амалиёт куни давомида келиб тушган бўлса) ёки келиб тушган иш кунининг кейинги иш кунидан (агар амалиёт куни тугагандан кейин келиб тушган бўлса) кечиктирмай, ижросини таъминлайди.

3.2.6. Мижознинг ёзма аризасига асосан унинг ўзига ёки ишончли вакилига (ишончномага асосан) ҳисобварақларидан кўчирма ва бошқа тегишли ҳужжатларни беради.

3.2.7. Мижозга тааллуқли бўлган банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг сир сақланишини кафолатлайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

3.2.8. Мижоз ҳисобварағида эркин маблағ бўлганда ёки маблағ етишмаганлиги сабабли маблағларни банд қилишга брон мавжуд бўлган ҳолларда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия пулларини биринчи талабдаёқ берилишини таъминлайди.

3.2.9. «Масофавий банк хизматлари» дастурларини узлуксиз ва сифатли ишлашини таъминлайди.

3.2.10. Мижозга «Масофавий банк хизматлари» дастурларида банк иш куни мобайнида электрон маълумотларни автомат режимда узатилишини таъминлайди, электрон ҳисоб-китоблар, хужжат айланиш қоидалари, банк техникаси ва бошқалар буйича маслаҳатлар беради ва амалий ёрдам кўрсатади.

3.2.11. «Интернет банкинг» дастури фойдаланувчисининг электрон рақамли имзо калити (I-key), мобайл банкинг дастури ўрнатилган телефон ва СМС информер бириктирилган мобил телефон рақами йўқолиб қолганлиги, ўғриланганлиги ва ўзгарганлиги тўғрисида хабар банкка келиб тушган вақтнинг ўзидаёқ дастур бўйича банк операцияларини тўхтатади.

3.2.12. Мижозга МСКХ очади ҳамда корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси орқали амалга оширилган барча транзакциялардаги маблағларни мижознинг МСКХдан тўлаб беради.

3.2.13. Мижознинг ёзма аризасига асосан МСКХ орқали амалга оширилган операциялар бўйича кўчирма беради.

3.2.14. Мижознинг корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси йўқолганлиги ёки ўғриланганлиги тўғрисидаги ёзма мурожаати келиб тушганидан сўнг, мазкур карта орқали амалга ошириладиган операцияларни вақтинча тўхтатиб туриш ҳамда ушбу картани қайтариб олиш бўйича чоралар кўради.

3.2.15. Масофавий банк хизматларини расмийлаштириш бўйича ариза ёки алоқа хати ва далолатномалар расмийлаштирилади ва белгиланган тартибда сақланади.

3.2.16. Мижознинг банк ҳисобварағи, шу жумладан, банк карталари бўйича (банк карталаридан фойдаланаётган пайтда «PIN-код»ни нотўғри терилиши оқибатида блокировкага тушган ҳолатлар бундан мустасно) амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юборади.

3.2.17. Кредит ва лизинг бўйича қарздорликларни сўндириш учун банк ҳисобварағидан маблағлар мижознинг топшириғисиз ҳисобдан чиқарилганда, банк ушбу маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақдан қанча миқдордаги маблағ қандай сабабларга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома (маълумотнома) юборади.

3.2.18. Хабарномалар (маълумотномалар) мижозга шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари ва бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин.

4. Тарафларнинг ҳуқуқлари.

4.1. Мижознинг ҳуқуқлари:

4.1.1. Ўзининг ҳисобварағидаги маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибда эркин тасарруф этиш;

4.1.2. Ҳисоб-китоб ва касса хизматлари бўйича банкка топшириқлар бериш, инкассо бўйича сўровномалар бериш, топшириқларни ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

- 4.1.3. Банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан мижознинг ҳисобварағига ушбу маблағни ўтказиб берилмаган тақдирда, мижоз банкдан маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорда, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш;
- 4.1.4. Иш ҳақи тўлаш жадвалига мувофиқ асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағида маблағлари ва брони мавжуд бўлганда, қонунчиликка мувофиқ нақд пул маблағларини олиш;
- 4.1.5. Банк томонидан шартномавий ҳамда қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ўз вақтида ва/ёки тўлиқ бажарилмаганлиги оқибатида кўрилган зарарларни ўрнатилган тартибда қоплаб берилишини талаб қилиш;
- 4.1.6. Мижоз банкдан белгиланган жойга бориб тушмаган пул маблағларини кидириш, аниқлаш ва қайтаришда ёрдам сўраш;
- 4.1.7. «Масофавий банк хизматлари» дастурлари орқали ҳисоб-китоб ҳужжатларини киритиш ва тузиш, ўзига тегишли бўлган дастур имконияти доирасида банк операциялари бўйича маълумот олиш;
- 4.1.8. Ўзбекистон Республикасининг банк қонунчилиги ва уларда бўлаётган қўшимчалар тўғрисида ахборотлар олиш.
- 4.1.9. МСКХ қолдиғини тўлдириб бориш.
- 4.1.10. МСКХ айланмалари тўғрисида Банкдан кўчирма олиш.
- 4.1.11. Мижоз Банкдан қайтарилган тўловларни карта ҳисобварағига қайтаришни, корхона (ёки ташкилот) (савдо ва хизмат кўрсатиш объекти) томонидан амалга оширилган транзакция бўйича маълумотлар олинмагунча, талаб қила олмайди.
- 4.1.12. Мижоз “Интернет банкинг” ва/ёки «Mobile-банкнинг» дастурларини банк билан боғланиш, шунингдек, банкдан хабарномалар (маълумотномалар) олиш усули сифатида тасдиқлайди. Мижоз хабарнома (маълумотнома) етказиш усулини банкка шахсан ёки почта орқали ёзма ариза тақдим этиш йўли билан ўзгартириш ҳуқуқига эга.

4.2. Банкнинг ҳуқуқлари:

- 4.2.1. Ҳисобварақ очаётган шахснинг ёхуд унинг ваколатли вакилининг шахсан иштирокисиз ҳисобварақ очишни рад этиш;
- 4.2.2. Марказий банк ёки Банк Бошқаруви қарорларига асосан банк тарифлари ўзгарганда, янги тарифларни қўллаш;
- 4.2.3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Марказий банкнинг кўрсатмалари, Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек мижоз томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва ўз муддатида тақдим қилиш бўйича йўл қўйилган тартиббузарлик ҳолатлари мавжуд бўлганда, ҳисоб-китоб, касса операцияларини тўхтатиб туриш ҳамда юқоридаги меъёрий ҳужжатларга зид бўлган операцияларни бажаришни рад этиш;
- 4.2.4. Юридик шахснинг бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган ери (почта манзили)да мавжуд бўлмаганида, операцияларни амалга оширишни рад этиш;
- 4.2.5. Маблағларнинг бут сақланиши ва уларнинг мижоз томонидан эркин тасарруф этилишини кафолатлаган ҳолда мижознинг бўш маблағларидан ресурс сифатида фойдаланиш;
- 4.2.6. Қонунчиликда белгиланган тартибларга мувофиқ, мижоз ҳисобварағидан бюджет даромадига, бюджетдан ташқари фондларга ўтказилиши лозим бўлган тўловларни ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда мижознинг розилигисиз (акцептсиз) унинг ҳисобварағидан маблағлар ўтказиш;

- 4.2.7. Мижоз айби билан банкка зарар келтирилганда етказилган зарар суммасини акцептсиз тартибда мижознинг ҳисоб рақамидан мемореал ордер асосида ечиб олиш;
- 4.2.8. Мижоз тарафидан шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг корпоратив (ёки тадбиркор) банк карталаридан фойдаланишнинг амалдаги йўриқнома шартлари бузилганда, мижозга нисбатан банк тарифларида тасдиқланган жарима санкцияларини қўллаш ва корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси амалиётларини тўхтатиш;
- 4.2.9. Мижознинг банк карта ҳисобварағига хатолик туфайли тушиб қолган маблағларни, шунингдек карта ҳисобварағида техник носозликлар туфайли ортиқча пайдо бўлиб қолган маблағларни мижознинг карта ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ечиб олиш;
- 4.2.10. Банк операцияларини амалга ошириш учун асос бўлувчи ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганда, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларга хабар бериб, операцияларни амалга оширишни тўхтатиш;
- 4.2.11. Мижознинг асосий талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағида 2-сонли картотека мавжуд бўлган тақдирда, унинг иккиламчи ҳисобварақлари (Ҳукумат қарорлари асосида очилган мақсадли аккредитив, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақлари бундан мустасно) дан маблағларни мижознинг қарз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар асосий депозит ҳисобвараққа ўтказиш ва иккиламчи ҳисобварақлардаги операцияларни тўхтатиб қўйиш;
- 4.2.12. Банк иш куни якунланиб, баланс ҳисоботи тузилгандан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга кейинги банк иш кунида тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш йўли билан ҳисобварақлардан тегишли суммаларни мижознинг розилигисиз ҳисобдан чиқариш;
- 4.2.13. Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида, қарздор мижознинг сўмдаги маблағлари етишмаганда ва валюта ҳисобварағида маблағлари мавжуд бўлган ҳолатда, давлат солиқ хизматининг тақдимномасига кўра Банк сўзсиз равишда унинг валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида сотилишини амалга ошириш;
- 4.2.14. Қасддан нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда операцияларни амалга оширишни рад этиш;
- 4.2.15. Ҳисоб рақам орқали гумонли ва (ёки) шубҳалилик аломатлари мавжуд операциялар бажарилганда операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан мижозга муурожаат қилиш;
- 4.2.16. Мижоз томонидан идентификациялаш учун зарур ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда мижозга хизмат кўрсатишни рад этиш;
- 4.2.17. Мижоз томонидан масофавий хизматлардан фойдаланган ҳолда шубҳали операциялар бажарилган тақдирда, бажарилган операцияларнинг қонунийлиги ҳақида ёзма тушунтириш бергунга қадар ушбу хизматларни кўрсатишни тўхтатиб туриш, ушбу хизматларни кўрсатишни рад этиш;
- 4.2.18. Масофавий хизматлардан фойдаланилган ҳолда шубҳали операциялар амалга оширилганлиги ҳақидаги гумонлар мавжуд бўлганда ушбу шартномада қайд этилган шахс томонидан операциялар амалдаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тугрисидаги йуриқномалар асосида амалга оширилаётганлигини мижознинг жойлашган ери (почта манзили) ёки шартномада белгиланган манзил бўйича ўрганиш;

4.2.19. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда миждоз операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш;

4.2.20. Миждоз томонидан тақдим қилинган электрон тўлов ҳужжатларини дастлабки ва жорий назоратдан ўтказиш натижасида мазкур тўловларнинг нотўғри расмийлаштирилиши ёки амалдаги қонун ҳужжатларига зид банк амалиётлари бажарилганда, банк мазкур амалиётларни амалга оширмаслик ва уларни рад қилиш;

4.2.21. Миждоз ҳисобрақами орқали гумонли ва (ёки) шубҳали операциялар аломатлари мавжуд операциялар бажарилганда операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар, жумладан, операцияда фойдаланилган маблағлар манбаси тўғрисидаги маълумотларни олиш юзасидан миждозга муружаат қилиш.

4.2.22. Миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилганлигидан қатъий назар банк лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларини мустақил амалга ошириши мумкин.

4.2.23. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда операцияларни амалга оширишни рад этиш.

5. Банк хизматлари учун тўловларнинг миқдори ва тўлаш тартиби.

5.1. Мазкур шартномага асосан кўрсатиладиган хизматлар учун Миждоз Банка ушбу шартноманинг 1-иловасида келтирилган тариф режасига асосан ҳақ тўлайди.

5.2. Шартнома имзоланиб, 3 ой муддат ўтганидан сўнг, миждознинг дебет айланмасидан келиб чиқиб, кўрсатилган хизматлар учун тариф режасида кўрсатилган ҳақ миқдори қайта кўриб чиқилиши мумкин.

5.3. Хизмат ҳақи банк томонидан ҳар бир тўлов учун ҳисоблаб борилади. Ҳисобланган хизмат ҳақи кунлик миждоз томонидан тўлаб борилади. Миждоз банк ҳисоб варағидан ҳар бир пул операциясини амалга ошириш жараёнида банк хизмат ҳақини тўлов топшириқномасининг «тўлов мақсади» графасига алоҳида қайд этган ҳолда тўлаши мумкин.

5.4. Тариф бўйича ойлик тўлов миждоз ҳисобварағидан давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар, шунингдек, банк комиссия тўловлари ва кредит фоизини тўлаш билан боғлиқ бўлмаган жорий ойдаги дебет айланма амалга оширилган пайтда ҳисобланади.

5.5. Ўз вақтида тўланмаган хизмат ҳақлари банк томонидан мемориал ордер асосида Фуқаролик Кодексининг 780-моддаси иккинчи қисмида белгиланган тартибда миждознинг ҳисобварағида турган пул маблағларидан ундириб олинади.

5.6. Ҳисобварақда маблағ мавжуд бўлмаганда ёки маблағ етарли бўлмаганда, тўланмаган хизмат ҳақлари бўйича банк томонидан миждознинг 2-сонли картотекасига жойлаштирилади ва ўрнатилган тартибда ижро этилади.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги.

Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида, ўзга қонун ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

6.1. Миждознинг жавобгарлиги:

6.1.1. Миждоз ҳисобварағига хато (нотўғри) келиб тушган маблағлар тўғрисида, у ҳисобварақдан кўчирма олгандан сўнг 2 (икки) банк иш кунида Банка уни қайтариш тўғрисида тўлов топшириқномаси тақдим этмаса, кечиктирилган ҳар

бир кун учун нотўғри келиб тушган сумманинг 0,05 фоизи миқдорида банкка пеня тўлайди. Бироқ, ҳисобланган пеняларнинг умумий суммаси нотўғри келиб тушган суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.1.2. Мижоз банк ҳисобварағи бўйича ўтказилган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгардир.

6.1.3. Мижоз банк кассасидан олинган нақд пул маблағларини ўз вақтида кассага кирим қилиш ва белгиланган мақсадлар учун сарфлашни ҳамда касса интизомига риоя этилиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.1.4. Банкка тақдим қилинган ҳужжатлар, уларда қайд этилган маълумотларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига Мижоз жавобгардир.

6.1.5. Мижоз корпоратив (ёки тадбиркор) банк картасидан фойдаланиш давомида ПИН КОДнинг сир сақланишини таъминламаганлиги оқибатида мазкур карта орқали амалга оширилган операциялар бўйича жавобгардир.

6.1.6. Шартнома шартларини ва корпоратив (ёки тадбиркор) банк карталаридан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгардир.

6.1.7. Мижоз пластик карта орқали амалга оширилган операциялар бўйича барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.

6.1.8. Мижоз корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси йўқотилгандан сўнг ёки ўғирлангандан сўнг банкга ёзма хабар берилгунгача ушбу карта орқали амалга оширилган операциялар бўйича жавобгардир.

6.1.9. «Масофавий банк хизматлари» дастурлари билан ишлайдиган масъул шахс ўзгарса, электрон рақамли имзо калити (I-key), мобайл банкинг дастури ўрнатилган телефон ва СМС информер бириктирилган телефон рақами ўзгарса, йўқолиб қолса, ўғирланса ушбу ҳолат бўйича уша куннинг узида хизмат кўрсатувчи банкни хабардор қилмаганлиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича жавобгарлик мижознинг ўзига юклатилади.

6.1.10. Мижозга банк томонидан «SMS-Банкинг» дастури орқали юборилган маълумотларни хавфсиз ҳолатда бўлиши, ваколоти булмаган шахслар ва бошқа шахсларни фойдаланмаслиги учун жавобгардир. Ушбу талабларни бажармаганлиги оқибатида учинчи шахслар томонидан «SMS-Банкинг» дастури орқали мижознинг ҳисоб рақамидаги маълумотларни ошкор этилишига мижознинг шахсан ўзи жавобгар ҳисобланади.

6.2. Банкнинг жавобгарлиги:

6.2.1. Қонун ҳужжатларида ўрнатилган мижозлар ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун, электрон тўловларни амалга оширишнинг ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтаришнинг ўрнатилган муддатларини бузишни истисно этган ҳолда, банк ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2.2. Банк томонидан электрон тўловларни амалга оширишнинг қонунчиликда белгиланган муддатлари бузилган тақдирда, у мижозга кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2.3. Мижознинг ҳисобварағида пул маблағлари етарли бўлишига қарамасдан банк иш ҳақи ва қонунчиликда белгиланган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул билан таъминлашни кечиктирган ҳолларда, банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2.4. Марказий банк меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин банк томонидан ҳисобварақлар очиш сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек, мазкур турдаги ҳисобварақ очиш учун ортиқча ҳужжатларни талаб қилганлиги учун банк

устав капитали энг кам миқдорининг энг кам миқдорининг 0,02 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2.5. Банк мижознинг ҳисобварағидаги маблағларни унинг топшириғисиз ёки қонунчиликда белгиланган тартибда розилиги олинмаган (акцептланмаган) ҳолда ҳисобдан чиқарган (ўтказиб берган) тақдирда, ушбу маблағларни ҳисобвараққа тиклайди.

6.2.6. Банк мижознинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларини асоссиз равишда ошкор қилганлиги учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардир.

6.2.7. Банк Мижоз томонидан корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги ёзма равишда маълум қилингандан сўнг, ушбу карта орқали амалга оширилган операциялар натижасида Мижозга етказилган молиявий йўқотишлар бўйича жавобгар ҳисобланади.

7. Банкни белгиланган жавобгарликдан озод этиш.

7.1. Банк қуйидаги ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади:

7.1.1. Форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилишларда;

7.1.2. Банк мижози томонидан амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда;

7.1.3. қонунларда белгиланган тартибда банк ёки мижоз ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилганда.

7.1.4. Тўловлар мижоз томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатларининг расмийлаштирилишида йўл қўйилган нуқсонлар натижасида кечиктирилганда;

7.1.5. Банк ўзига боғлиқ булмаган ҳолда ва Мижоз томонидан белгиланган техник шароитларга риоя қилинмаслик натижасида ахборотларни узатиш ва қабул қилишдаги узилишларга жавоб бермайди;

7.1.6. «SMS-Банкинг» дастури орқали юбориладиган маълумотлар СМС кўринишида, яъни очиқ ҳолда (парол ёки бошқа химоя воситасисиз) маълумотлар бўлганлиги сабабли банкка боғлиқ бўлмаган ҳолда (телефон аппаратининг йўқолиши, рақамнинг бошқа шахсга ўтиши ва бошқа банкка вақтида маълум қилинмаган сабаблар орқали) мижоз ҳисобрақами бўйича банк сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор бўлганда банк жавобгар ҳисобланмайди;

8. Банк сирини.

8.1. Банк «Банк сирини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида кўрсатилган мижознинг банк сирини ташкил этувчи маълумотлари сир сақланишини кафолатлайди.

8.2. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат Мижознинг ёзма равишдаги мурожаатига асосан унинг ўзига ёки ишончли вакилига берилиши мумкин.

8.3. Мижознинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларини учинчи шахсларга тақдим этишга фақатгина амалдаги Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда йўл қўйилади.

9. Шартноманинг амал қилиш муддати, уни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.

9.1. Мазкур шартнома имзолангунига қадар амалда бўлган банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш шартномалари ушбу шартнома кучга кирган санадан бекор бўлади.

9.2. Мазкур шартнома имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва 12 ой муддат давомида амалда бўлади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, бир томон ушбу шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида иккинчи томонга ёзма равишда маълум қилмаган тақдирда, шартнома шунча муддатга ва ушбу шартномада назарда тутилган шартларда узайтирилган ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартномага барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар тарафларнинг келишувига мувофиқ, шунингдек, мазкур шартномада назарда тутилган тартибда киритилади.

9.4. Мазкур шартнома Мижознинг аризасига кўра ҳоҳлаган вақтда Мижоз томонидан хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча тўловлар тўла амалга оширилгандан сўнг, ўрнатилган тартибда бекор қилиниши мумкин.

9.5. Ушбу шартнома бир тарафнинг талаби билан иккинчи тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган ёхуд қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

9.6. Шартнома бекор қилинишида, мижоз томонидан корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси банкка топширилгач, МСКҲдаги қолдиқ маблағ мижознинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига қайтарилади;

9.7. Шартнома бекор қилинганидан кейин мижознинг ҳисобварақдаги пул маблағлари қолдиғи унинг тегишли ёзма аризасига асосан кечи билан 7 (етти) кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

9.8. Мижознинг асосий ҳисобварағи, ушбу Мижозга тегишли бошқа ҳисобварақлар ёпилганидан кейингина ёпилади.

9.9. Мижоз олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачи корхоналар – уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ёки белгиланган муддатларда эълон қилинган Устав жамғармасини шакллантирмаганлиги сабабли тугатиш комиссияси томонидан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, шартнома бекор қилинади.

9.10. Мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида масофавий хизматлардан фойдаланилганлиги ҳақида асослантилган шубҳалар мавжуд бўлганида банк мазкур шартномани ўрнатилган тартибда бекор қилишга ҳақли.

10. Махфийлик

10.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

10.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.

10.3. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

10.4. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаб беради.

11. Форс-мажор ҳолатлари.

11.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, хоҳиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимига қилинган таҳдид (учинчи шахслар тарафидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

11.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

11.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

11.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин.

11.5. Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

12. Низоларни ҳал этиш.

12.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

12.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

12.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хатини тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

12.4. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Мижозда сақланади.

13. Тарафларнинг манзиллари, тўлов реквизитлари, имзолари:

Банк	Мижоз
<p>Банк: ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ Манзил: Андижон шаҳар Бобур шох кучаси 85-уй СТИР: 200242936 Х/В 19997000300000083001 МФО: 00083 Почта индекс: 170119 Телефон: 0 371 150-91-25 Алоқа маркази: 0 800 1-200-200</p> <p>e-mail: contact@hamkorbank.uz Бошқарув раиси: Ж.И.Хасанов</p> <p>_____</p> <p>(имзо) М.Ў.</p>	<p>Мижознинг реквизитлари Мижоз банк ҳисобварағини очиш, шунингдек, банкда хизмат курсатиши давомида банкка тақдим этилган ҳамда банк базасида шаклланган маълумотлар асосида аниқланади.</p>

Тариф режа

1	Миллий валютада мижоз ҳисобварағлари билан амалиётлар	Тариф
1.1	Ҳисобварағлар очиш ва ёпиш	
1.1.1	Мижоз барча ҳисоб рақамларини очиш	Бепул
1.1.2	Мижоз ҳисоб рақамларини ёпиш	Бепул
1.1.3	Ҳисоб рақамларини қайта расмийлаштириш	Бепул
1.1.4	Асосий ҳисобварағларни бошқа банкларга ёки "Namkorbank"нинг бошқа филиалларига кўчириб ўтказиш учун ҳужжатларни тайёрлаш	Бепул
1.2	Мижоз ҳисобварағларини юритиш	
1.2.1	Ҳисобварағларга (асосий талаб қилиб олингунча, махсус, сальдо, ссуда) хизмат кўрсатиш	Бепул
1.2.2	Мижоз амалга оширган операциялар бўйича бир ойда бир маротаба ҳисоб рақамдан кўчирма (выписка) бериш	Бепул
1.2.3	Мижоз талабига асосан амалга оширган операциялар бўйича кунлик ҳисобрақамдан кўчирма (выписка) бериш, ойига	Бепул
1.2.4	Мижоз аризасига кўра ҳисоб рақам ҳолати тўғрисида маълумотнома - тасдиқнома бериш	20 000 сўм
1.2.5	Мижоз ҳисоб рақами айланмаси тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда маълумотнома бериш	20 000 сўм
1.2.6	Мижоз талабига кўра сўровномалар тайёрлаш ва жўнатиш	30 000 сўм
1.3	Мижоз ҳисоб рақамларидан маблағларни кўчириш	
1.3.1	Ҳисобварағлар (асосий талаб қилиб олингунча, иккиламчи, махсус, сальдо- 29804...) дебет айланмаси миқдоридан	0,8 %
1.3.2	Namkorbank тизими ичида мижознинг бир ҳисобварағидан бошқа ҳисобварағига ҳамда махсус ҳисобварақларга пул маблағларини ўтказиш	Бепул
1.3.3	Бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш	Бепул
1.3.4	Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағларига ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ривожлантириш жамғармасига пул ўтказиш	Бепул
1.3.5	Мижозлар томонидан "Иш хақи" лойиҳалари учун пул ўтказиш	0,5 %
а)	Масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари (интернет банкинг, мобиль банкинг) орқали ўтказилганда	0,2 %
1.3.6	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив банк карталарига маблағлар ўтказилиши учун уларнинг асосий ҳисобварағларидан карта ҳисобварағига маблағ кўчирилганда	0,8%
1.3.7	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив банк карталаридаги маблағларни уларнинг асосий ҳисобварағларига қайтарилганда	Бепул
1.3.8	Чиқарилган ҳар бир электрон тўлов учун	1 000 сўм
1.3.9	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив банк карталарига маблағлар кирим қилинишида банк хизмат хақи	Бепул

1.3.10	Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан конверсия амалиётлари учун маблағлар ўтказилганда	Бепул
1.4	Мижозларга нақд пул маблағларини бериш	
1.4.1	Юридик шахсларга иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун маблағлар бериш	Бепул
1.4.2	Сафар харажати тўловлари учун маблағлар бериш	Бепул
1.4.3	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нақд пуллар бериш (1.4.1 ва 1.4.2 пунктларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари)	1 %
а)	Экспорт фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нақд пуллар бериш (1.4.1 ва 1.4.2 пунктларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари)	0,5%
1.4.4	Пул чек дафтарчаларини расмийлаштириш ва рўйхатга олиш	30 000 сўм
1.4.5	Йўқотилган пул чек дафтарчасини ўрнига янги чек дафтарчасини бериш	100 000 сўм
1.5	Ҳисоб рақамга масофавий хизмат кўрсатиш	
1.5.1	Ҳисоб рақамга масофавий хизмат кўрсатиш учун ойлик тўлов*	50 000 сўм
1.5.2	Масофадан хизмат кўрсатиш (интернет банкинг, мобиль банкинг, SMS-хабарнома) тизимларига уланиш ва қайта уланиш	Бепул
1.5.3	Мижоз томонидан электрон қалитни йўқотганлиги ёки яроксиз ҳолатига келтирилганлиги учун жарима	100 000 сўм
1.6	Аккредитивлар	
1.6.1	Миллий валютада сўм аккредитивларини очиш	200 000 сўм
1.6.2	Аккредитив ҳисобварағини тасдиқлаш	Бепул
1.6.3	Аккредитив шартларига ўзгартиришлар киритиш	200 000 сўм
1.6.4	Аккредитивни ёпиш (бекор қилиш)	Бепул
3	Пластик карталар бўйича:	
3.1	Корпоратив пластик карта эмиссия қилишда банк хизматлари ҳақи:	
3.1.1	Юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга корпоратив банк карталарини расмийлаштириб бериш	50 000 сўм
3.1.2	Корпоратив банк карталари фойдаланиш муддати тугаганда қайта эмиссия қилиш / алмаштириш	50 000 сўм
3.1.3	Корпоратив пластик картадан кўчирма бериш	20 000 сўм
3.1.4	Корпоратив пластик карта йўқотилганда ёки шикастланганда уни янгисига алмаштириш	50 000 сўм
3.2	Корпоратив пластик карталарга техник хизмат кўрсатишда ундириладиган банк хизматлари ҳақи:	
3.2.1	Пластик картани блокировка ҳолатидан чиқариш	Бепул
3.2.2	“Стоп-лист”га қўйиш	Бепул
3.5	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив банк карта ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларга фойз ҳисоблаш	0 %
5	Ахборот ва маслаҳат хизматлари	
5.1	Ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш	Бепул
7	Банк хизмати истеъмолчиларга банк хизматлари тўғрисидаги маълумотлар бериш	

7.1	Банк томонидан кредит бўйича хизмат кўрсатиш даврида истеъмолчининг оғзаки ёки ёзма сўрови олинган кундан эътиборан бир иш куни ичида унга қуйидаги ахборотлар ёзма шаклда ойда бир марта тақдим этиш:	
а)	Кредитлаш лимити	Бепул
б)	Кредит бўйича тўланган пул маблағлари суммаси	Бепул
в)	Асосий сумма бўйича қарз қолдиғи	Бепул
г)	Навбатдаги тўловларнинг миқдори, таркиби ва муддатлари (тўловлар жадвали)	Бепул
д)	Кредитни муддатидан олдин қисман ёки тўлиқ сўндириш истаги билдирилган тақдирда тўлаш лозим бўлган суммалар миқдори	Бепул
е)	Муддати ўтказиб юборилган қарздорлик миқдори ва таркиби;	Бепул
ё)	Келиб тушаётган пул маблағлари кредит бўйича қарзни сўндиришга йўналтирилиши ҳақида ахборотлар	Бепул
ж)	Кредит шартномалари бўйича истеъмолчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (маълумотнома)	Бепул
7.2	Банк истеъмолчининг талабига кўра қуйидаги ҳужжатларнинг банк томонидан тасдиқланган нусхаларини (бир банк хизматини кўрсатиш шартномаси бўйича бир марта) бериш:	
а)	Банк ва истеъмолчи томонидан имзоланган банк хизматини кўрсатиш ҳақидаги шартномасини;	Бепул
б)	Истеъмолчи томонидан берилган ариза (агар қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай аризанинг расмийлаштирилиши мажбурий бўлса ёки банкнинг ички қоидаларига асосан банк хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш чоғида бундай аризани расмийлаштирилиши шарт бўлганда);	Бепул
в)	Истеъмолчига кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ордер, тўлов топшириқномаси, электрон тўлов воситасига пул маблағлари ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома);	Бепул

* Ойлик тўлов мижоз ҳисобварағидан давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар, кредит фоизини тўлаш билан боғлиқ бўлмаган жорий ойдаги дебет айланма амалга оширилганда тадбиқ этилади.

БХМ – амалдаги базавий ҳисоблаш миқдори.